


Биз ва жаҳон



Статистик маълумотларга қараганда, 2000 йилда Самарқандга 121 мингдан ортиқ сайёҳ, жумладан, 50 минг атрофида хорижий сайёҳлар келиб-қетишган.

САЙЁҲЛАР САМАРҚАНДГА ОШИҚАЯПТИМИ?

Мутахассислар бундан 2001 йилнинг 11 сентябрга юз берган Америка фожиаси, шунингдек Афғонистон воқеалари ва бир қатор Осиё мамлакатларида тарқалган хавфли ва юқумли касалликлар билан боғлашди.

ги барча хоналар жаҳон андозлари даражасида қурилган. Бар, ресторан, чўмиш бўлими, дам олиш жойлари — ҳамма-ҳаммаси кўнглидагидек.

ёки қадим шаҳардаги туризм хизмати муаммолари хусусида

ликлар такорланмаганлиги қувонарли. Чет элликлар 250 ўринли бу мажмуани ҳақиқий тўрт қолдузи меҳмонхона сифатида эътироф этишарди.

бор-йўғи 25-30 фоизи ҳажмида хизмат кўрсата олди. Мижозларнинг қамалиги сабаб хизмат ҳақини ҳам пайсатирибга мажбур бўлди.

Лекин, бу ривожланиш хорижий сайёҳлар учун яратилган шарт-шароит билан боғламасдан бўлмайди.

лекин йўлда дам олишга имкон тополмайди. Демак, катта йўл бўйларидан ҳам юқори сифатли сервис хизмати кўрсатувчи кемпинглар, мажмуалар барпо этиш зарур.

Аммо Пахтачидагидек кемпинглар ҳали жуда оз. Аслида бундай масканлар, ҳам меҳмонлини кўнглини олади, ҳам хориж сармоясига ағалик қилади.

МАДАНИЯТ янгиликлари

Хорижда Абдулла Қодирий кечаси

Истанбулда ўзбек адабиётининг буюк намояндаси Абдулла Қодирий таваллудининг 110 йиллигини нишонлаш доирасида кеча бўлиб ўтди.

«Жаҳон» АА

Ҳеч ким эътиборсиз қолмайди

Наврўз байрами арафасида пойтахтимиздаги «Меҳр таянчи» болалар марказига ҳомий таъкилотлар томонидан ажратилган ёрдам — озик-овқат, тиббий воситалар, спорт кийимлари ва анжонлари топширилди.

Шаҳрисабзда театр кунлари

Баҳорнинг илк кунларида Шаҳрисабз тумани ўқув муассасаларида театр кунларини ўтказиш аниъатига айланган. Бу йилги ана шу мавсум Қақшақдар вилоят театрининг «Бирлашган ўзар» спектакли намойиши билан бошланди.

«Соҳил илҳомлари»

Дангара туманида яшаб ижод қилаётган қаламкашларнинг ижод намуналарини тўплам ҳолида нашр этилди. Наврўз байрамига муносиб тортиқ бўлган тўплам «Соҳил илҳомлари» деб аталди.

Инсон меҳр билан тирик

Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасида «Буюк мутафаккир Алишер Навоий ижодида меҳр-муруват» мавзусида адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.

ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ОБОЗРЕНИЕ ЖУРНАЛИ



ИМКОНИЯТ БЕРУВЧИ АХБОРОТ ВА БИЛИМ!

Ўзбекистон иқтисодидеги таъминот ва муаммолар, бозорлар ва корхоналар ҳақида ишончли ахборот, тадбиркорлик ривожига масалалари, жаҳон иқтисодидеги янгиликлари.

Ўзбекистон-Хитой:

ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК

Мамлакатимиз олий ва ўрта махсус таълими вазири С.Ғуломов бошчилигидаги республикамиз олий ўқув юртлиги ректорларидан тuzилган Хитой Халқ Республикасида таълим вазири Чжоу Цзи, Шанхай шаҳар раҳбарияти ва Хитойнинг етуқ олий ўқув юртлиги ректорлари билан учрашди.



1997 йилнинг 20 августда Вазирилар Маҳкамаси томонидан «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмушини, моддий шароитини яхшилашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 409-сонли қарори эълон қилинган эди.

Ижтимоий сиёсат — амалда

тандер савдолари ўтказилмоқда. Тендерга таъкилотлар ва хусусий тадбиркорлардан 654 та тақлиф тушган. Шу йилнинг 4 март кунини юқоридаги бошқарма ҳовлисида мана шу тендерга тақлиф этилган маҳсулотларнинг йирик кўргазмаси таъкилот этилди.

Тендер — кўргазмадан бошланади

ўқув қуроллари ва кам таъминланган оилаларнинг 1, 9 синфларда ўқийдиган фарзандларини қишқи кийим-бош тўпламлари билан таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазириликнинг «Ўқувтаълимтаъминот» бош бошқармасида навбатдаги

Мижозларнинг қамалиги сабаб хизмат ҳақини ҳам пайсатирибга мажбур бўлди.

дан кўпроқ корхонанинг маҳсулотлари қўйилганлиги кишини хурсанд қилади. Бу эса республикамизда мактаб таълими базисини кучайтиришга хисса қўшаётган ишлаб чиқариш тўбора ривожланиб бораётганлигини кўрсатади.

Халқ сўзи мухбири.

Н. РАВШАНОВ

«Соҳил илҳомлари»

Инсон меҳр билан тирик

ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ОБОЗРЕНИЕ ЖУРНАЛИ

ИМКОНИЯТ БЕРУВЧИ АХБОРОТ ВА БИЛИМ!

ҚАЛЛОБЛАР

Жанубий Кореяга бориб, ишлаб келган қўшниларининг қириш-туришини кўриб, Самарқанд туманида яшовчи Ботир Мухаммадиевнинг хаёли қонди.

унинг ҳамтовоклари тузган режага мувофиқ, улар Россия фуқароси сифатида, яъни Ботир Валентин Роденко, Фуракат эса Дмитрий Целишев паспортлари билан жўнаб кетишлари керак эди.

озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди. Шу билан бирга, суд томонидан айбдорларнинг чин қўнғилдан пушаймон эканликлари, қарамогларида воғга етмаган фарзандлари борлиги ва шунга ўхшаш ҳолатлар хисобга олиниб, уларга нисбатан 3 йиллик синов муддати белгиланди.

Ана шундай кунларнинг бирини ҳорижда ишлаб келган қўшничи орқали Самарқанд шаҳрида яшовчи Люда Старкова исм-шарифли аёл билан танишди.


Хаммаси аста-секин ҳал бўлиб, орзиқиб кутилган «Тошкент — Сеул» йўналиши бўйича унадиган самолётга ўтириданган кун ҳам етди келди. Лекин олис хориж сафарига отланган иккундоннинг кўнгли хижил эди.

«Тошкент — Сеул» йўналиши бўйича Сирғали тумани суди Ботир Мухаммадиев, Фуракат Эргашева, Людмила Старкова, унинг жиний шериги Альберт Габитовларнинг ҳар бирини 6 йил муддатга

Advertisement for 'Economic Review' journal, including contact information and a list of topics covered.

Сиз нима дейсиз?

Тан олиб айтишимиз керак, бозорларимиз ҳақида ёзилган мақолаларни тўплава, "Бозорнома" номли жилд-жилд китоблар пайдо бўлади. Улар ичида, албатта, мақтовномалар бу мажмуанинг асосий қисмини ташкил қилади. Тўғри, ҳукуматимизнинг улкан эътибори тўғрисида кейинги беш-ўн йил ичида бозорларимиз тубдан янгиланди: жаҳон бозорлари билан беллашадиган, гўзал, савлатлари билан юртимиз кўрқига кўрк қўшадиган масканларга айланди. Аммо улардаги мазмун — савдо-сотик ишлари қандай йўлга қўйилган? Биз журналистлар бозорлардаги ютуқлар билан бирга муаммо ва камчиликларни ҳам рўй-рост кўрсатиб бера олаёلمизми? Бу саволга жавоб беришга қийналамиз. Чунки "Бу палончининг бозори, бу пистончига қарашли бозор", дея минг андиша билан "тозалikka рияса қилинмайди", "тарозидан уриб қолади", "қўй гўшти деб эчки гўшти сотади" каби бир кимса қилаётган ёки кунда, ҳафтада хал этса бўладиган энгил-елпи воқеаларни "танқид" қилишдан нарига ўтолмаймиз. Лекин бозорларимизда ўзларини "ишбилармон", "бозорда "иш" қилиб юрибман" деб атовчи, аслида олибсатарлик, чайқовчилик, кўпол қилиб айтганда, ўғирликни касб қилиб олган, минг-минглаб одамларни ўз сафига бirlаштирган, деҳқон билан харидор ўртасида турувчи бир қатлам пайдо бўлиб қолмади?



Бозор

унинг имкониятлари, имтиёзлари, имдодлари

"Иш" деганлари нима ўзи?

Баъзилардан, "Қаерлардан сўраймиз?" десангиз, "Бозордаман" деган жавоб оласиз. "Нима иш қилаёсан?" десангиз, "Бозорда "иш" қилаёман", дейди. "Иш" деган сўзни шунақанги сирли оҳангда айтишадиган, гўё кулоғингизга, "Ўғирлик қилаёман" ёки "Одамларни алдаб пулини олаёман" дегандай эшитилди. Бу "иш" деганлари нима ўзи?

Мана, масалан, узунингиз пишиди, уни машинага юклаб Кўйликдаги улгуржи бозорга келасиз. Бозорда машина атрофини зумда ана шундай "иш" қилаётганлар ўраб олишади. Улардан бири сиз билан савдонини пишитган, "Хов, тарозин!", "Хов, арава!" деб бақиради. Тарозибон билан аравакеш келиб узунларни тарозидан тартади, аравага ортади, бир четга қўяди. Сиз пул санаб олишга чоғланасиз. Аммо харидор шошилмайди. Зумда сотувчи айланми, харидорга пешвоз чиқади: "Келин, ака, узун оласизми? Яхшидан бор", дея савдолаша кетади. "Хов, Бозорқул, аввал мен билан ҳисоб-китоб қилиб қўй. Кейин нима қилсанг, ўзинг бил-

ласан!" дейсиз худди айб иш қилиб қўйгандай. "Қочиб кетаётганим йўқ, шошмай туринг, ҳозир оласиз ўша пулингизни!" дейди Бозорқул жаҳл аралаш. Савдо-сотикда бўлаётган фирромликларни эшитгансиз, пулни олмагунча унинг ортидан қолмайсиз. Бозорқул иккинчи бир "иш" қилиб юрган харидорга узунни пуллади. Аммо пул сизга етиб келмайди. Иккинчи йилгит ортидан лўқиллашни бошлайсиз. "Мен сиздан узун олганим йўқ-а? Бозорқулдан олдимми, у билан ҳисоб-китоб қиламан, пулингизни ўша беради. Ана ўтирибди сизга ўхшаб ҳовликмасдан, кўтиб туринг!" дейди у ва ҳоказо. Майдалаб оладиган харидорлар бозордан олиб чиқиб кетмагунларича узунингиз бозорни обдон айланади. Кейин пул тақсимоти бошланади. "Иш" қилган йилгитлар ўз улушларини олиб қолиб, қолган пулни сизга беришади-да, "Топганимизга барака берсин!" дея дуо қилишиб, сигареталарини қийшиқ тишлашиб, нари кетишади. Буни бозордаги "иш" деб аташади.

Агарда, "Бундай йўл билан пул топиб, болачака бокқани уялмайсанми?" десангиз, "Пайғамбаримиз ҳам савдогарлик қилган! Савдогарларни пайғамбарлар, сай-

идлар, урушда шахид бўлганлар қатори маҳфират қилишади, бу ҳақда ҳадислар бор", дейишадипинак бузмай.

Хўп, бу фикрларга қўшилган бўлайлик. Аммо...

"Бозорга мол олиб келаятганларнинг йўлларини тўсиб, уларнинг молини кўтарасизга сотиб олмоқ ва ул молни турган ерида сотиб юбормоқ макруҳдир. Савдода бировни алдаган одамнинг тоғгани харом бўлиб, ўзи осийдур, чунки ул биллиб туриб бировни алдар, савдода эса алдов жоиз эмас", деган ҳадислар ҳам борлигини унутмаслик керак!

Бундай "иш" қилаётганлар бозор билан деҳқон ўртасидаги биринчи қатламни ташкил қилади. Уларни бели оғримай нон топаётганлар, ишини пул санашдан иборат деб аташ мумкин. Энг алам қилади-

гани, нарх-навоани ана шулар белгилашади. Бозорда уларнинг мушугини ҳеч ким пишт демайди.

Иккинчи қатлам

Эсингизда бўлса, бир вақтлар бозорларимизда "Чайқовчимисан?" ёки "Олибсатарлик қилаёсанми?" деган сўзларни ишлатиб бўлмасди. Олдидигина, "Деҳқонмисан ўзи?" десангиз бас, сотувчи сиз билан "олти ой отпуска олиб олишарди". Чунки бу сўзни сотувчи ўзига нисбатан ҳақорат деб тушунарди. Бу сўзлар остида ёлгончилик, фирбирларлик, харомдан пул топиш яширинганини ҳаммамиз сезиб турардик. "Ўзбек тилининг изоҳли лугати"да "Олибсатарлик — арзонга мол олиб, қимматга сотувчи майда савдогар, чайқовчи, спекулянт", деб таъриф берил-

ганини билардик.

Энди-чи?

- Узун неча пул?
- Бир ярим минг.
- Минг сўмдан берай?
- Ие, ака, нима деяписиз, ўзим бир минг икки юздан олганман, тўғри келмайди.

Бу каби суҳбатларни ҳар бир бозоримизда эшитишимиз мумкин бўлиб қолди.

Бетни сидириб ташлаб, "Олибсатарлик қилаёсанми? Чайқовчи бўлиб кетибсан-да!" десангиз, "Бунинг нимаси чайқовчилик, нимаси олибсатарлик? Мен ишбилармонлик қилаёман", дейди худди бу касб ота-буваидан мерос қолгандай. Изоҳли лугатда "Ишбилармонлик — ишнинг кўзини яхши биладиган уста", дейилган. Наҳотки, деҳқон етиштирган ҳосилни икки-уч баробарга пуллаш, бел оғримай чўнтақ қаппайтириш ишбилар-

монлик бўлиб қолган бўлса?

Энг ёмони, бу "ишбилармон"лар гўё савдода харом билан ҳалол деган тушунчалар борлигини, улар ўртасидан катта дарё оқиб ўтишини умуман "билишмайди". Хар қандай йўл билан фойда кўриш пайида бўлишади: тарозидан уришади, кўзингизга тик боқиб туриб ёлгон гапиришади, бир сўмдан олишган бўлса, "Худо урсин, бир ярим сўмдан олдим, икки сўмга сотмасам, фойда кўрмайман" дея қасамлар ичишади, "тирикчиликнинг айби борми?" дея ўзларини оқлашиб, улар ҳам гапни Пайғамбарларимизга буришади. Манфаатларига мос ҳадислар тўқидан ҳам

харликлар дастурхонига етиб келгунча икки, уч, беш, ҳатто ўнлаб қўлардан ўтаяпти. Наҳотки, деҳқон билан бозор ўртасидаси кўзга кўринмас қатламни олиб ташлаш мумкин эмас? Наҳотки, харидор бозорлар бозорларнинг бозорларидан нарсани харид қилишга мажбур бўлса? Камига бозорларда паттачи дейимизми, санэпидстанция дейимизми, назоратчи дейимизми, аравакешу торозибон дейимизми, қоровулу фаррош — уларнинг ҳаммаси деҳқоннинг маҳсулоти, харидорнинг маоши устидан "нон" емаяптими? Асосий фойдани олибсатар ва кўлини совуқ сувга урмай "иш" қилиб юрганлар кўрмайтими?

Энди дўппини ёнга олиб қўйиб мулоҳаза қилиб кўрайлик:

Деҳқон билан бозорни яқинлаштириш мумкин эмасми? Хурматли бозоркомларимиз бозордаги нарх-наво билан қизиқишса, уни арзонлаштириш йўлларини қидиришса, яхши бўлмайди? Деҳқон бозорком олдига эмас, бозорком деҳқон олдига борса, шаҳар бозори билан қишлоқ бозори ёки маълум бир туман билан маҳсулот етказиб бериш тўғрисида шартнома тузса, хар икки томон катта фойда кўрмайдими?

Сир эмас, бозорларимизда нарх-наво бирдай турмайди. Масалан, ўтган йили қовун экканлар меҳнатларига яраша даромад олишолмади, Сабаб? Бир томондан, Худо бери қовунлар зўр бўлди. Иккинчидан, эҳтиётдан ташқари, ҳаддан зиёд қўвун экилди. Натижада унинг фойдасини молқўйлар кўрди. Бундай ҳолат йилда такрорланади, ё пиезнинг, ё сабини-нинг, ё қарамнинг нархи бир пул бўлади. Ана шу масалага ҳам бозорлар маъмуриятлари диққатларини қаратишади... Мисол учун юртимиз аҳолиси қанча мева-чева, сабзаот истеъмол қилади. Чет эл бозорларида қанча маҳсулот сотишимиз мумкин? Бунинг учун қанча майдонга қандай экин экиш керак? Ҳисоб-китобини чиқариш мумкин. Шунга

қараб, хурматли бозоркомларимиз туманларга, деҳқон-фермер уюшмаларига буюртмалар берса, шунга қараб деҳқончилик қилинса, меҳнат қилган одам ҳеч қачон чўв тушиб қолмасди.

Яна бир мулоҳаза: шаҳар бозорларида ҳақиқий деҳқон расталари ташкил қилинса, уларга маълум имтиёзлар берилса, нарх-наво пасаийиб, пешона тери тўккан деҳқоннинг даромадига даромад қўшилмайди?

Бу мулоҳазага жавобан, бозорда бошқа бир гапга гувоҳ бўлди: "Деҳқон бозори"да деҳқон нима қилади? Деҳқон қора терга ботиб экинни экска, бутун кучини сарфлаб парвариш қилса, пиширса, яна камига маҳсулотини бозорга олиб келиб сотсин ҳамми? Бир ўзи қай бирига улгурсин? Инсоф ҳам керак! У экинга қарайверсин, сотишни бизга қўйиб берсин!"

Майли, уларнинг гапидан ҳам жон бор дейлик. Бир пайтлар деҳқоннинг маҳсулотини олиб, бозорга етказиб бериш билан шуғулланадиган тайёрлов идоралари бўларди. Бозор билан деҳқон ўртасидаги бўғинни олиб ташлаб, ана ушанга ўхшаган востачи идоралар ташкил қилинса бўлмайди? Деҳқон маҳсулотини етиштирсин, пайқалининг тепасида турсин. Бозор вақили унинг олдига бориб ҳисоб-китоб қилиб, маҳсулотини олиб келсин, бозорида ўз сотувчиларига соттирсин.

Бу бизнинг кузатишларимиз асосида тузилган мулоҳазаларимиз. Улар қиларгадир маъқул бўлар, қиларгадир ёқмас — гашига тегар. Хар икки томоннинг ҳам фикрларини эшитишга тайёрмиз. Фақат бу мулоҳазалар бозорларимиз ишини янада яхшилашга бир туртки бўлса, ажабмас, деб умид билдирамиз.

Санд АНВАР, "Халқ сўзи" мухбири.

BMS
BURSEL HOLDING
MITSUBISHI CORPORATION
SADO JSC.

«ОКСАРОЙ ТЎҚИМАЧИ ЛТД»

ҚЎШМА КОРХОНАСИДА

ишлаб чиқарилаётган ип-калава ва трикотаж матолар ўзининг юқори сифати билан жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллади!

КОРХОНА ХАЛҚАРО ISO 9001-2000 СИФАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИ СЕРТИФИКАТИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ!

Шахрисабздаги «Оқсарой тўқимачи ЛТД» Ўзбекистон — Туркия — Япония қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 9 август 1999 йилдаги 381-сонли қарори билан ташкил этилган.

У кўҳна ва ҳамisha навқирон Амир Темур орденли Шахрисабз шахрида қисқа муддатларда қурилиб, фаолиятини бошлади.

2002 йил май ойидан ҳозиргача 12 168 тонна пахта хомашёсини қайта ишлади.

2004 йил 1 январь ҳолатига кўра, бу ерда 6264 тонна юқори сифатли ип-калава ва 2381,1 тонна микдорда трикотаж мато ишлаб чиқарилди. Корхона фаолият бошлаганидан буён 18056,1 минг АҚШ долларига тенг ҳажмдаги маҳсулотини Европа давлатларига ҳамда Америка Қўшма Штатларига экспорт қилишга эришди.

Жамoa маҳсулот сифати бўйича бирор маротаба ҳам эътироз олгани йўқ. Бу унинг жаҳон бозорида ўз ўрнини топганидан далолат. Ҳозир бу ерда 650 нафар шахрисабзлик йилгит-қиз меҳнат қилади. Уларнинг эзгу-орзуси ҳар қачонгидан кўп ва юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш.

K-Q TSE-ISO-EN 9000

QUALITY MANAGEMENT SYSTEM CERTIFICATE

TURKISH STANDARDS INSTITUTION

TSE ISO EN 9001:2000

